

ЖАЛДҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

17 АПРЕЛЬ, ШАНБА № 75 (580). 1993 йил.


Сотувда эркин нархда.



Ўзбекистоннинг стратегик вазифаларидан бири — буюк келажак йўлидаги барча эзгу ишларни амалга оширишга кодир бўлган соғлом, жисмоний ва маънавий камол топган авлодни тарбиялаб етиштиришдан иборат.



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



16 апрель куні Ўзбекистон Республикаси Президенті Ислам Каримов Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси, молия вазирі Отто Штих бошчилигидаги шу мамла-

кат ҳукумат делегациясини қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни яна-

да тараққий эттириш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.



«Халқ сўзи»нинг ушбу сони «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳамда Ўзбекистон аҳли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган эзгу ишларга бағишланган.

Муқаддас бурч

Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ номби, республика соғлиқни сақлаш вазирининг муовини:



Ингирма биринчи аср бўсағасида туриб, келажакка назар ташлар эканман, беихтиёр ёдимга дово халқимизнинг бир ҳикматли гапи келди: «Ҳаёт улкан бир дарахтга ўхшайди. Уян гуллатиб, яшатиб турувчи энг асосий омил эса, унинг илдизларидир».

айтдик, уларни кўзларга кўтариб улуғладик, кўкракларига шода-шода нишонлар тақдик. Афсуски, уларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида астойдил қайғурмадик, гулдан нозик ҳис-туйғуларини, муқаддас аёл зотидан эканликларини ҳисобга олмадик. Бир-бирдан оғир хасталикларга чалинган мунис ва меҳрибон аёллардан тугилётган зурёдларнинг келажакимиз, ҳаётимизнинг муносиб давомчилари бўла-олмадиклар, охир оқибатда эса, ғам-ташвиш ва на-доматда қолганимизни ҳаёлимизга келтирганимиз ачинарли. Энди унинг ағали-ли оқибати барчага аён бўлиб, бизни қаттиқ ташвишга солмоқда...

Ҳаёт дарахтининг ўқ илдизи саналмиш оналар ва болаларимизнинг соғ-омон бўлиши, республикамиз мустақиллигининг тобора мустаҳкамланиши борасида олиб борилаётган дово сиёсатдан беҳад миннатдоримиз. Дарҳақиқат, келажак — ёшларники. Уларнинг илк нафасини, бешикдаги тарбия-сидан тортиб, то мустақил ҳаёт йўлига тушиб олгуларича асло қийналмасликларни учун қилинаётган ота-ларча ғамхўрлик айни мўладоир. Ватаннинг баркамол, маънави ҳам, жисмон ҳам соғлом, зукко ва фидойи авлодларини юзга етказиш мақсадида Президентимиз фармони билан «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» орденининг таъсис этилгани фикримизнинг далилидир.

бевучи ёш авлодни ота-она ва Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида, ўз юртини мардона ҳимоя қилиш, унинг шон-шавоҳити ва шўратини, бойликларини тобора оширишга қодир фарзандлар қилиб тарбиялаш ишига қўшилган улкан, узоқни кўзлаб чиқарилган ниҳонда оқил тadbирлардан биридир.

Очигини айтишимиз керак, биз узоқ йиллар мобайнида жафокеш аёлларимиз оғир меҳнат остида эзилб, аёллик, оналик бахтидан бенасиб ва бебаҳра бўлатганликлари, оғир хасталиклар тўғрисида насл-насабимизнинг бузилаётганлиги, болаларимиз нимжон ва мажруҳ бўлиб туғилётганлиги, ҳатто беватқ ўлаётганлиги кўра била турарик ҳам кўрмасликча, билмасликча олдик. Аксинча, уларни дала ва фермаларини юлдузи, давримизнинг қаҳрамонлари деб, оғзимизга сиққанча ҳамду санолар

Маълумки, сансонич йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистон болалар ва оналар ўлими бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Биз асосий куч — эътиборни бир ёшча-булган қақоқлар ўлими кўрсаткичини ялғози бо-рича қамайтиришга қаратдик ва бунга қисман эришдик ҳам. Бироқ, асосий мақсадимиз фанат кўрсаткичи пасайтириш эмас, балки соғлом она ва баркамол авлод эди-ку! Соғлом онадан соғлом бола туғилиши, ҳар бир фарзанднинг дунёга келишида аёлларимизнинг минг бор ўлиб, минг бор тирилишлари, баъзан эса, ҳаётдан беватқ кўз юмишлари ва бу онла, қола-верса жаҳияят учун катта фўежа эканлигини вақтида тўғри англаб етмадик.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов 16 апрель куні Тошкентдан Минскка жўнаб кетди. У Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар бошқиларининг Беларусь пой-

тахтида очиладиган учрашувида қатнашди. Минскда бўладиган учрашувида қатнашиш учун Ислам Каримов жўнаб кетиш олдида журналистлар билан бўлган қисқа суҳбат чоғида, — ниҳоят

Ҳамдўстлик давлатлари амалий ва самарали ҳамкорлигининг таъсирчан воқитини ишлаб чиқишдан иборатдир. — Қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмас экан, қанчалик яқин бўлмасин, Ўзбекистон

билан халқни боқиб бўлмайди. Ҳамдўстликни сузда эмас, балки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лозим. Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўл-

дошев, республика Бош вазирі А. Муталов, Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умураёв, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

ИСЛОМ КАРИМОВ МИНСККА КЕЛДИ

Минск, 16 апрель. Беларусь пойтахти Ҳамдўстлик давлатларининг бошқилари учрашувида қатнашиш учун бутун бу ерга келган Ўзбекистон Республикаси Президенті И. Каримовни самимий кутиб олди. Аэропортда олий мартабада меҳмонга Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. Шүшкевич, шу мамлакат Бош вазирі В. Кебич пешвоз чиқди.

Ҳамдўстлик давлатлари амалий ва самарали ҳамкорлигининг таъсирчан воқитини ишлаб чиқишдан иборатдир. — Қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмас экан, қанчалик яқин бўлмасин, Ўзбекистон

билан халқни боқиб бўлмайди. Ҳамдўстликни сузда эмас, балки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лозим. Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўл-

воқифлантирувчи органларнинг биносида экспертлар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилади. Кун тартиби расмий равишда эълон қилинмаган. Бу ерда таҳмин қилишларча, учрашувида давлатлар ўртасидаги самарали иқтисодий ҳамкорликни таъмин-

ларнинг ишончи қомил. Ҳозир собиқ Иттифоқ республикаларининг бутунлай яқинлашиб қолгани учун сабаб ҳам, тегишли шарт-шароит ҳам йўқ. Агар шундай бўлса, бошбашдоқлик баттар кучаяди, иқтисодий бутунлай барбод бўлади. Сўбей эхтирослар жунбушга келаяди. Буни Россиядаги сўнгги воқеалар яққол намоён этиди.

(Давоми 3-бетда).

МИНСК УЧРАШУВИ: МДҲ ЯШАЙДИМИ, ЙЎҚМИ?

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошқиларининг навбатдан ташқир учрашуви Минскда ўтказилиши ҳақидаги хабар ҳатто кўпни кўрган, тақриббали сибсатчилар учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Чунки Ҳамдўстлик раҳбарларининг январ ойида Беларусь пойтахтида ўтказилган сўнгги кенгашида навбат-

даги учрашуви апрель ойининг охирида Ереванда бўлади, дейилган эди-ку. Энди бўлса... Бу галги учрашуви ўтказилиши атиги икки кун олдин маълум бўлди. Унинг энг қисқа кенгаш бўлишини ҳам ушанда билдик. Давлат раҳбарлари уч соат мобайнида бемалол гурунлашиб олсак бўлади, деган тўхтамга келишди. Ҳўш,

кун тартиби нимадан иборат? — деган савол туғилиши табиий. Аммо бу нәрса сир тутилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги яшб қолганими ёки барҳам топадими? — деган битта ҳаётий муҳим масала муҳокама қилинишига маълум. Баъзилар умидсизланиб, бутун қабул этиладиган қарорлар Теоловек ўрмонида-

ги маълум учрашуви каби кўпчилик учун томдан тарашиб тушгандек бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Беларусь пойтахтига келганлар орасида бу фикрга қўшилувчилар оз эмас. Бироқ аксарият таҳлилчилар бошқачароқ ўйламоқдалар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги яшб қолишига

ИШОНЧ ЕРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

Швеция Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эрих Бергер 16 апрель куні мамлакатимиз Президенті Ислам Каримовга ишонч ерлигини топширди. Элчи мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатларининг ўрнатили-

ши ўзаро манфаатли алоқаларининг ривожланишига кенг имконият очганини таъкидлар экан, бу ҳамкорликни янада тараққий эттириш учун куч-ғайратини амамаслигини билдирди. Ўзбекистон Республикаси Президенті Ислам Каримов Эрих Бергер жанобларини лавозим би-

дан қутлаб, Ўзбекистон ва Швеция Қироллиги ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг юқори босқичга кўтарилишидан мамнуният изҳор этди. Швеция Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси таъинланиши савдо-иқтисодий, илмий-техник ҳамда маданий

соҳалардаги ҳамкорликнинг ривожига ижобий таъсир этишига ишонч билдирди. Ишонч ерлигини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқир ишлар вазирі С. Сафоев иштирок этди. (ҲА).

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ ЭРИХ БЕРГЕРНИНГ ИШОНЧ ЕРЛИГИНИ ТОПШИРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ ЭРИХ БЕРГЕР

1937 йилда туғилган. Миллати — швед. Олий маълумотли. 1960 й. — Швеция Ташқир ишлар вазирлигида ишлай бошлади. 1961—64 й. — Швециянинг БМТдаги (Нью-Йорк) ваколатхонаси ходими. 1964—67 й. — Ташқир ишлар вазирлиги идорасида, сўнгра халқаро илмий-тадқиқот институти директорининг ердмачиси. 1967—70 й. — Швециянинг Пенядаги элчихона-



сида масъул ходим. 1970—74 й. — Швециянинг Москвадаги элчихонасида масъул ходим. 1974—78 й. — Ташқир ишлар вазирлиги халқаро ташқиротлар бошқармасининг бошлиғи. 1978—83 й. — Швециянинг Париждаги элчихонаси вазирі. 1983—84 й. — Гарвард университетининг халқаро алоқалар марказида ходим. 1984—87 й. — Швециянинг Польшадаги элчиси.

1987—89 й. — Швециянинг Хиндистон, Шри-Ланка, Непал ва Бутандаги элчиси. 1989 й. — Швециянинг СССРдаги элчиси. 1991 йил декабрдан — Швециянинг Россия Федерациясидаги элчиси. 1989—92 й. — Швециянинг Монголиядаги элчиси. У, шунингдек, Беларусь, Грузия, Арманистон ва Озарбайжонда аккредитация қилинган.

ТУРКМАН ДИЁРИДА ИККИ КУН

Ўзбеклар ва туркманлар — асрлар давомида ёнма-ён яшаган, бир дарёдан сув ичган қондош ва жондош халқлар. Улар қадимдан тўй-ҳашамларда елкама-елка ўтирганлар. Узоқ йиллар давомида арзон хом ашё манбаи бўлиб келган Ўзбекистон ва Туркменистон бутунлиги кунда бир хил муаммоларни ҳал этювда, миллий иқтисодийни шакллантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Ҳаётнинг ўзи бу икки республика халқларининг дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни, манжуд иқтисодий қийинчиликларни баҳамқиқат бартараф этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенті Ислам Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Туркменистонга 14—15 апрель кунлари қилган сафари ана шу мақсадга қаратилган эди. Делегация таркибида Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи

ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов, вазирликлар ва идораларининг раҳбарлари борлиги муҳим иқтисодий масалалар ҳал этилишидан далолат берарди.

Ўзбекистон Президенті ва унинг ҳамроҳлари тушган самолёт Тошкент тайёрагоҳидан парвоз қилгач, кўм-кўк далалар ва дашту саҳролар устидан ўтиб, бир ярим соатдан сўнг Ашгабат тўроғига қўнди. Ўзбекистон олий меҳмонни Туркменистон Республикаси Президенті Сапармурод Ниязов ва ҳукумат аъзолари, оқсоқоллар кўчоқ очиб қарши олдилар. Тайёрагоҳда Ўзбекистон Президенті шарафига ёш давлат қўшилларининг тўрт тури вакиллари саф торган эдилар. Гарнизон бошлиғи бу ҳақда рапорт бергач, Ўзбекистон ва Туркменистон давлат маҳжирлари янради. (Давоми 3-бетда).

ШВЕЙЦАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси ва молия вазирі жаноб Отто Штих бошчилигидаги ҳукумат делегациясини 16 апрель куні Ўзбекистон Республикаси Бош вазирі Абдулхалим Муталов қабул қилди.

Самимий ва дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий соҳаларидаги муҳим ўзгаришлар тўғрисида меҳмонларга сўзлаб берилди. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, Швейцария банкларидан Ўзбекистонлик ёш мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди. Суҳбатда Республика Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов иштирок этди. Шунингдек, сармоялар сарфлашинини рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида ҳукуматлараро иккита битим имзоланди. Бу ҳужжатлар ишқала мамла-

кат ўртасида саноат, қишлоқ хўжалиги, молия фаолиятидаги, кадрлар тайёрлаш, туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболларини очди. Савдо муносабатларида ўзаро қўлайлик яратиб берилди. Ўзбекистонлик ва Швейцариялик иқтисодий ҳамкорлар бевосита алоқа ўрнатилиши имкониятини оладилар, бу эса кичин ва ўртача бизнес фаолиятини кучайтиришга кўмаклашади. Ҳужжатларни Швейцария Конфедерацияси ҳукумат делегациясининг бошлиғи — федерал маслаҳатчиси ва молия вазирі Отто Штих билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Уткир Султонов имзоландилар. Ҳукуматлараро ҳужжатлар имзолангандан сўнг журналистлар билан суҳбат бўлди. Швейцария Конфедерациясининг федерал маслаҳатчиси ва молия вазирі Отто Штих билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирі Абдулхалим Муталов бўлиб ўтган музокараларни яқунлидлар ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. (ҲА мужбири).

Муқаддас бурч

(Давоми. Бош 1-бетда).

Кўзатишлар шунинг кўрсатишича, асосан кўп болалар оғир ва оғирроқ касалликларга асосан эрта ёшда ва энг текка жойларда мактаб ёшидаги болалар ҳамда ўсимирлар саломатлиги кўндалма-кўндал эҳсон қилинган эмас. Уларда бир эмас, бир неча турдаги хасталиклар мавжуд бўлиб, алданган сурмакаси тус олганлиги ташвишлантирилади. Армия хизматида боришлари туфайли ўнги болалар 16 ёшдан бошлаб мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтганларидан уларда турли хасталиклар билан бор аниқланиб, шохлиқ ҳолатда соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Бироқ айнан шу ёшдаги қиз болалар саломатлиги назоратдан четда қолиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ахир, бу қизчалар эртага бизнинг келажагимиз — ўғил-қизларимизни тарбиялаб ювга етказиб берадиган бўлажак оналаримиз-ку! Акс ҳолда, виждонан айтганда ҳозир кунда республикада ўнлаб ногирон болалар уйларига мавжуд бўлиб, уларда неча юзлаб тумга ақли заиф, нимжон, майиб ва мажруҳ болаларнинг меҳрибонлиги, муруватга зор бўлиб, бир неча ой ва йиллар давомида шифтга тикилиб, тўшакка миҳлиб етишларидан кўз юма оламинми? Бунинг асосий сабаби нима эканлигини сира ўйлаб кўринми? Бизнингча, аввало биз катталар, яъни ота-оналар ўз фарзандларимизни соғлом, бақувват, ҳар томонлама етук, ақлли инсонлар бўлиб етиштириш учун етарлича эътибор бермаётганимиз, уларнинг саломатлигига бағриқилишимиз, айниқса қизиқ жойларда болаларни ёшлаганда оғир меҳнатга жалб қилаётганлигимизда. Қолаверса, узоқ йиллар мобайнида бепоян далаларимизда бехисоб ишлатилган турли захарли қимёвий дориларнинг салбий таъсири бўлса, яъни қариандош — уруғлар ўртасидаги ниҳоқлар сабабли ирсиятнинг бузилиши, наслик хасталикларнинг келиб чиқишидир. Шунингдек, ҳали бола бир ёшга етар-етмай, кетма-кет кейинги фарзанд туғилиши жиддий сабаблардан биридир. Кейинги сабабини болалар руҳиятидаги уларга хос ҳусусият, яъни ўз саломатлигига назар-писанд қилмасликда деб айтиш мумкин. Ичкиликка берилган ёш ота-оналарнинг авлоди соғлом бўлмаслигини табиобит тасдиқлайди. Бу ҳам насл бузилишининг бир сабаби.

Табиики, ҳақли савол туғилди: ҳозирги пайтда болаларимизнинг саломатликлари қандай? Йилгирма биринчи асрга яшиб, бизнинг жаҳоншумул ишларимизни давом эттирадиган ўзбек келатган ёш авлод мустақил ўзбекистон саркаралари оқиништалиги, тинчлиги, ҳақсизлигини мардона ҳимоя қилиб, унинг қудратига қудрат, бойлигига бойлик қўша оладими? Ўзбекистонимизнинг буюк ва қудратли давлат бўлиб, жаҳон миқёсига чиқиши учун ёшларимизда ватанпарварлик, бурчга садоқат, она юртва меҳр-муҳаббат ҳис-туғилуларини кучайтириш учун яна қандай чоралар кўрмоқ зарур?

Хуллас, бундай саволларга жавоб излар экансан, хайрияти, мустақилликка эришганимиз, энди ўз дардимизга ўзимиз даво излаб, камчиликларимизни ўзимиз бартараф қилиш чораларини кўраётганимизга минг бор шукроналар қилсан киши. Эришилган мустақиллик гўё ўз-ўзидан келиб қолгандай, унинг ҳақиқий қардқиммати, асл моҳиятига ҳалигача тушуниб етмаган айрим кимсалар борлигидан афсусланасан. Аслида эса, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, йиллар давомида ечим топмай, чиналашиб етган биринчи муаммолар Президентимиз раҳбарлигида бирин-кетин чиқарилган фармон, қарорларда ўз инфодасини топмоқда, бундан халқимиз ниҳоятда мамнундир.

Аҳамият берсангиз, Президентимизнинг дастлабки фармонлари оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустақамлашга қаратилган эди. Бу, аввало, келажак наслимиз тақдирини ўйлаб, қизиқоқ хўжалиги ва озиқ-овиқат маҳсулотлари етиштиришда захарли қотиқлардан фойдаланишнинг таъқиқланиши ҳусусида қарор қабул қилиниши, кам таъминланган оилалардаги ҳомилдор аёлларга бепул озиқ-овиқат маҳсулотлари бериш қонулаштирилгани, ҳомилдор аёллар вақтинча енгил вазиқларга ўтказилиши, оғир меҳнатдан озод этилиши, туғруқдан сўнг бола тарбияси учун ўз йилгача дам олишини жорий этилиши ва бу давр уларнинг меҳнат стажига киритилишидир.

Маълумки, бола соғлом, баркамол бўлиб ювга етиши учун оила таъминоти етарли бўлиши, сифатли овқатлар истеъмол қилиниши муҳим

аҳамиятга эга. Бу мақсадда ҳукуматимиз бошланғич сифт ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг яна бир самарали йўли — санаторий ва профилакторийларда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти бир қадар яхшилашди. Бундан ташқари, 1990 йилнинг 4 сентябрийда Президентимизнинг «Жумҳурият ёшларини армияга ҳақиратиш ва уларнинг армияга қаршилик ҳаракатлари билан миллатларнинг тўғрисидаги фармонига мувофиқ, армияга фақат соғлом ва ба-

риш бўйича идораларо мувофиқлаштириш кенгаши ташкил қилинди ва ўз фаолиятини жадал олиб бормоқда. Бундан ташқари, кейинги икки-уч йил ичида республикамизнинг деярли барча вилоят марказлари, шунингдек, Ташкент, Анжикон, Шаҳрисабз, Оҳангарон, Қўқон, Марғилон, Жиззах шаҳарларида мактабларро ўсимирлар поликлиникалари, бўлимлари ташкил қилиниб, уларда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари ва ўсимирларга тиббий хизмат кўрсатиш амалга оширилмоқда.

Умуман, ёшларимизни Ватан, армия хизматида муносиб таёрлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш борасида солиқини сақлаш, халқ таълими, ижтимоий таъминот вазирликлари, jisмоний тарбия ва спорт қўмиталари



— Сиз спорт мутахассиси сифатида мустақил ўзбекистонимизнинг раънақини қандай тасаввур қиласиз?
— Тўрт мучаси соғ, илгор фикри, ҳаёт иқтисоди ва фалсафасини аниглаб етга олган кишиларгина мамлакатнинг перлоқ келажакини ярат олади. «Соғ танда соғлом ақл», деганларидек, дурқун ва

Жисмоний тарбиясиз тасаввур этиб бўлмайдик

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ТРЕНЕР, ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, БУХОРО ДОРИЛФУНУНИ ПРОФЕССОРИ АБДУЛЛАЖОН АТОЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

заворли қадамлар.

— Ҳозирги жаҳон спортининг кўнғина турлари бизнинг қадимий миллий ўйинларимизга жуда ўхшаш. Назаримда, мана шу ўхшашликлар замирида ўша ўйинларимизнинг бир қадар такомиллашган усули етмасмикин?

— Фикрингизда жон бор. Юртимиз азалдан ўзига хос спорт анъаналарига эга.

сингари қатор спорт турлари ҳам миллий ўйинларимиз замирида шаклланди. Оғир тош кўтариш ўйини оғир атлетика турига асос бўлган. Ҳозир Америка ва ҳатто унинг сардаблиридан ташқарида ҳам кенг оммилашиб бораётган голф ўйини аслида боболаримиз йиғнаган ичкибозликнинг бир қадар такомиллашган усулидир. Хуллас, бундай мисолларни истоганга келтириш мумкин.

— Келажакда мустақил ватанимиз шарафини ҳимоя эта оладиган кучли спортчиларни тарбиялаб етиштиришнинг имкониятлари бизда мавжудми?

— Юқоридики мурожаатлардан кўринадик, ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни халқ турмушига янада чуқурроқ олиб кира оладиган билимдон мутахассисларга зарурят катта. Айтилик, 1990 йилдан эътиборан бочгалар учун жисмоний тарбия муаллими штати берилди. Лекин бундай ихтисослик бўйича ҳеч қарерда мутахассис тайёрланаётгани йўқ. Республика мактабларининг ўзигагина ўн мингга яқин жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмай турибди. Устига устак, 1990 йилдан бошлаб бошланғич синфларда бадан-тарбия дарслари бир соатча кўпайтирилди. Бу соатча ҳам маълумотли муаллимлар тайёрлаш ҳанузгача пайсалга солиб келинмоқда. Оқибатда машғулларни тасодифий кишилар ўтатирилар, шу боис маҳаллий аҳоли ўртасида жисмоний тарбия оммавийлашмаст.

— Бундай ташвишли аҳволни бартараф этиш учун, эътибор, нималар қилиш керак?

— Ўзингиз билсан, 22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистонда биттагина жисмоний тарбия институти ишлаб турибди. У ҳам асосан юқори малакали спортчилар ва тренерлар тайёрлаш билан банд. Илгари республикамиздаги сақниэта педагогика институтида физкультурта муаллимлари тайёрланарди. Уларнинг университетта айлан-тириллиши эса бундай ихтисос бўйича кадрлар тайёрлашнинг тақликали аҳолига солиб қўйди. Афтидан, эндиликда Қозғистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, туғатилган педагогика институтида жисмоний тарбия факультетлари базасида мињақалда бўйича камида иккита мустақил жисмоний тарбия педагогика институти ташкил этиш лозима ўхшайди. Бундай олий ўқув юрти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидан фарқли ўлароқ, асосан турли босқичдаги таълим масканлари учун физкультурта ўқитувчилари тайёрлашга ихтисослаштирилмоғи даркор.

Болалар бочгалари му-

рабийлари ва бошланғич таълим муаллимларини ҳам худди ана шу усулда тарбиялашга ўтиш керак. Шунингдек, мактаблар учун тайёрланадиган бошқа мутахассисларга ҳам жисмоний тарбия ўқитувчиси ихтисослигини қўшимча ўргатиб борила, айни муддао бўларди.

— Сиз меҳнат қилган дорилфунунда бу борда қандай ишлар амалга оширилипти?

Жисмоний тарбия факультети ямаоаси Ўзбек миллий кураш, халқ ўйинлари, енгил атлетика ва спорт ўйинлари тарихи, назариси ва уларни ўргатиш методикаси муаммолари устида қизгин илмий-ижодий иш олиб боришмоқда. Тақрибан патюркалари ўндан зиёд монография ва рисодалар, методик қўлланмаларда ўз инфодасини топан. Илмий ходимларимиз собиқ Иттифоқ республикалари ва Германия, Чехословакия, Болгария каби давлатларда ўтказилган халқро аянжман ва симпозиумларда иштирок этишиб, хорижий мутахассислар билан фикр алмашиш келишди.

Факультетимиздан спортнинг бир қанча турлари бўйича собиқ СССР, жаҳон, Европа чемпионлари ва кўплаб хизмат кўрсатган спорт устаслари етишиб чиққан. Самбо бўйича жаҳон ва Европа чемпиони Собир Қурбонов, классик кураш бўйича Европа ва СССР чемпиони Аббос Шодиев, Халқаро тоифадаги спорт устаслари Исмомил Туробов, Чори Шариповлар ёшлар ўртасида самбо кураши бўйича жаҳон чемпиони Шухрат Очипов ва Ботир Турдиевлар шулар журамидандир.

Бу каби рақамларни яна давом эттириш мумкин. Аммо шунинг ўзиёқ, факультетимизнинг республика миноси спорт ривожига нақар салмоқли ҳисса қўшаётганлигини далолат бериб турибди. Менимча, мана шуларни ҳисобга олиб, собиқ Буҳоро педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети неғиздан Сурхондарё, Қашқадарё каби жанубий вилоятлар, шунингдек, Навоий ва Қозғистонга болалар бочгалари учун олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлаган кенг қамровли ихтисослашган мињақалда жисмоний тарбия-педагогика институти ташкил этиш масаласида мувофиқдир. Бунинг республикамизнинг халқаро миқёсида спорт шарафини юксалтириш, ҳақиқий жисмоний тарбия довомида шаклландирилган миллий спорт анъаналарини ривожлантириш зарурятини, қолверса, бутунги тарихий вазиятнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Сухбатдош:
Олимжон БУРИЕВ.

Маҳмуд ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Халқ таълими вазириликни ўрта умумтаълим мактаблари Бош бошқармаси бошлиғи:



Унинг вазифаси — ҳар томонлама ривожланган муҳитни шакллантиришнинг учун давлат, оила ва жоматчилик олдига ўз масъулиятини сеза оладиган, шу жуамладан ўқувчиларнинг мустақил билим олиш ва қўшимча маълумот олишга бўлган эътибаринини қондириш йўли билан улларга шарт-шароитлар яратибдан иборатдир.

Республика Халқ таълими вазирилиги тизими термоқлариди ихтиёрида 8745 мактаб,

ДИЛДАН ҲИС ҚИЛГАН ҲОЛДА

3200 мактабга тарбия, 977 мактабдан ташқари муассаса, 37 педагогика билим юрти, 461 хўнар-техника билим юрти, 6 педагогика институти мавжуд. Мактабларда ўқувчилар сонини 4639,9 минг, хўнар-техника билим юртилари 204,5 минг, педагогика билим юртилари ўқувчилари эса 36,6 минг, мактабга ва мактабдан ташқари муассасаларда, умумтаълим мактаблари ҳақида хўнар-техника билим юртиларида 500 мингта яқин педагог кадрлар меҳнат қилмоқдалар.

шундан 380 мингини мактаб ўқитувчилари ташкил этади. Вазирилигимиз ва Халқ таълими идораларининг жойларда амалга оширган тадбирлари натижасида мактаб ўқувчиларини ўқитиш тизими ва шароитларида маълум ижобий натижаларга эришилди.

1991 йилги 8524 мактабга нисбатан 1992 йилда кундузги умумтаълим мактабларининг тармоғи янада ўсиб, 8745 тага, гимназия ва лицейлар сонини 1991 йилдаги 8 ўрнига 24 тага етди. Ҳуку-

ИЧИБ, ЧЕКИБ ЮРГАН ЁШЛАРНИ КЎРИБ, ЮРАГИМ АЧИШАДИ

Эркин КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг сафарбарлик ишлари ва жисмоний тарбия бўлими бошлиғи, машҳур штанганчи, Халқаро касселдаги спорт устаси, собиқ Иттифоқнинг беш қарра чемпиони, қўлаб халқаро мусобақалар голли, жаҳон ва Европа рекордчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер:



дан шугулланишга ундайман. Саломатликнинг, ҳар қандай вазиётда иродали, сабот ва матонатли бўлишнинг омилли спортда деб ўйлайман.

Ичиб, чекиб юрган ёшларни кўриб, сафаррон рангларига қараб, улларга ачиниб кетаман. Мана шу ёшлар эртага 40—50 ёшга кирганда амнингани, ўз болаларига «ишма, чекма!» деб насиҳат қила бошлайдилар. Ушунда фарзандлари уларнинг насихатларини қулוגига оларикинлар? Демак, иродали бўлишнинг хонгирги ёшларимиз, аввало, ўзларидан талаб қилишлари керак.

Спорт ҳар қандай одамни фақат инсонан эмас, балки руҳий ва ақлий жиҳатдан ҳам намол топтиради, иродасини мустаҳкамлайди. Келгусида йилгиларимиз алпқомай, қизларимиз сарқомай бўлиб улгайиши учун ҳозирдан илм қадамларини ташлашимиз шарт.

Олиқ қиллоқ ёш азим шаҳарининг болакайлари спорт билан шугулланишлари учун керакли шароитларга эга бўлиши лозим. Ушунда Ўзбекистонимиз машҳур спортчилари сонини яна ҳам ортади, энг асосийси, келажак авлодини соғлом ва баркамол бўлади.

КОМИЛ ИНСОН БЎЛСИНЛАР

чадаёқ спорт билан ошно бўлсалар ортинча мувожабо парҳезга ўрин қолмайди. Демоқчилик, жисмонан бақувват бўлиб, уна-буна касалга аён бермайди.

Ҳозир айрим мактабларда қизлар учун алоҳида дарс бўлмайдик. Агар болалар боч-



ни таъминлайди. Яқинда Республикаимиз Президентини фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши мактаб партерсида тарбияланаётган келажакимиз учун ғамхўрликдир. Еш авлодини баркамол, комил инсон қиёфасида кўришни хоҳласек, бугун уларнинг улгайишига ҳар томонлама ўзимизни масъул деб билишимиз шарт.

Собира ЮСУПОВА, Фарғона вилояти, Ўзбекистон районидики 16-ўрта мактаб.

БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА

Гулбахор АБДУРАСУЛОВА, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти мактабгача ёшдаги болалар ва жисмоний соғломлаштириш факультетининг кафедра мудири:



Еш авлодини жисмонан етук, баркамол, бақувват этиб тарбиялаш олдимида та турган муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки, мактабга-ча ёшдаги болалар руҳий ва жисмоний жиҳатдан катта ёшдагилардан кескин фарқ қилади. Улар билан шугулланишда бунга алоҳида эътибор бериш керак. Шуларни назарда тутиб, 1992 йили мазкур факультетини ташкил этидик. Факультетимиз талабалари фақат қизлардан иборат. Уларни ўқитиш жараёнида кичкинтойлар билан ишлаш, болаларнинг ёшига мос машғулотларга таълим билиш каби-ларга алоҳида эътибор берилди. Чунки кичкин-тойлар машғулотлар довомида чарчаб зерикиб қолмасликлари керак.

Факультетимиз ҳали ян-

Иқтидор ЮСУПОВА, республика болалар жамғармаси рақаси:

МУРУВВАТ



Мамлакатнинг қудрати, аввало, унинг фуқароларининг саломатлиги, маънавий камолотига боғлиқ. Агар биз ёш давлатимизнинг фуқаролари фаровон турмуш кечирсинлар, десак, аввало, яшаб турган муҳитимизни соғломлаштиришимиз зарур. Олий ишонин таъсис этган тўғрисидаги фармонга шарҳда, оналар ва болаларнинг ҳимоя қилинишига ўз ҳиссаларини қўшган турли давлат ва жамоат ташкилотларининг вақолатлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши ҳақидаги гаплар бежиз таъкидланмаган.

Жамғармаимиз дастлаб 1988 йилда ташкил этилган эди. Ушундан буён биз бутун дунёда таъбиримизни болаларнинг иқтисодий ҳимоя қилинишига қаратиб келмоқдамиз. Бугунги кунда, афсуски, ота-онаси ташлаб кетган тирик етимлар, ногирон гўдақлар, ёрдамга муҳтож оналар жуда кўп бўлиб кетди. Болалар жамғармаси халқнинг мана шу тоифаларига ҳам...

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги фармони турмушимизнинг барча жаҳазлари ва иқтисодий таъсир этиб, ёш авлоднинг баркамол ўсганини учун қудай муҳитини юзага келтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Биргина мана шу тадбирнинг ўзиёқ Президентимизнинг ниҳоятда зукколик билан халқпарвар сиеват юритаётганидан далолат бериб турибди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

1992 йилда ҳомилдор аёлларни қўшимча озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун 234 млн сўм, шунингдек, уларнинг дармондорили оватланишлариغا деярли 14 млн сўм, икки ёшгача бўлган бемор болаларни оватлантириш учун 217 млн сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Мақтаб ўқувчиларини бепул ношуфта билан таъминлаш учун эса 713 млн сўм сарф қилинган.

Республикада 82 та махсус-интернатлар мавжуд бўлиб, уларда 20 мингдан ортиқ тарбияланувчилар ўз йўналиши бўйича (коррекция) таълим олади.

Мамлакатимизда яна 76 умумий тиндаги мактаб-интернатлар мавжуд. Бу мактаб-интернатларда 21 мингдан зиёд бола таълим олмоқда.

Мавжуд мактаб-интернатлар жамиятнинг турли соҳасида ишлаб фаолият кўрсатган фуқароларнинг болаларига таълим-тарбия беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу интернатлар сколиоз билан касалланган болалар, чўпон болаларига таълим-тарбия беришга мўлжалланган.

Бундан ташқари турли типдаги санаторий-урмон мактаб-интернатлари, ҳарбий ва иқтисодий болалар учун мактаб-интернатлар, лицейлар мавжуд. Масалан: Тошкентда 2 йилдан буён фаолият кўрсатётган А. Навоий номида «Нафис санъат мактабида 4 та гуруҳ қабул қилинган. Улар инглиз ва она тили, тарих, санъат йўналишларида ўқимоқдалар.

Республикада етим ва ота-онасининг раҳнамолигидан маҳрум бўлган болаларнинг 29 та болалар уйи мавжуд бўлиб, улардан биттаси корхона ихтиёридаги болалар уйидир.

Бозор иқтисодиётига ўтишни муносабати билан болалар уйи, мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларини моддий жиҳатдан таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқда. Шунинг назарда тутиб, Халқ таълими вазирлиги бир неча низоомлар ишлаб чиқди ва улар Республика ҳукуматида тасдиқлаш учун тақдим этилди. Бу ҳужжатларда интернат муассасалари тарбияланувчиларини моддий жиҳатдан таъминлаш, озиқ-овқат нормаларини ошириш ҳамда уларни қийим-бош ва пойабзал билан таъминлашда баҳо индексацияларини қайтадан қараб чиқиш кўзда тутилган.

ШИФОХОНАДА БЕШИК

Бундан бир неча ой муқаддам Тошкентда республика врачларининг оналик ва болаларни муҳофаза қилишга бағишланган уч кунлик анжумани бўлиб, унда қимматли таклиф ва мулоҳазалар айтилган эди. Ўзин келганда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг махсус фармони билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши ҳукуматимизнинг катта эътибор билан қараётганидан яққол далолат бериб турибди.

Маъмур хайри тadbирларини амалга ошириш борасида давлатдаги салбий ҳақаратлар эса болалар юборилди. Ўтган кунда пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 10-турруқхона қошида иш бошлаган аёллар мажлаҳатхонаси ана шулар жумласидандир. Уч қаватли янги шифо маскани ниҳоятда шиннам ва қулай бўлиб, барча талабларга жавоб беради.



Шифоҳона хизматчилари, биони қисқа вақтларда тиклаб берган. «Главашкентстрой» қурувчиларидан ниҳоятда миннатдорлар. Шунингдек, «Комфорт» кичик корхонаси хоналари мебеллар билан жиҳозланган. Айтишларича, ана бир қанча кичик корхоналар уларга хомийлик қилишга тайинланган.

Аёллар мажлаҳатхонасининг қабул қилиб ола бошлагани Ф. ЭШМУРДОВ, 1993 йилнинг январидан.

БОЛАЛАР ТАОМИГА 600.000 СЎМ

«Худудимизда жойлашган мактаблар кунин узайтирилган гуруҳи тарбияланувчиларнинг озиқ-овқатлари учун қўшимча хисобидан йилнинг ҳар чора-ғида 150.000, йил мобайнида эса 600.000 сўм ўтказилмази».

Бошлаб 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 20-мактабларнинг кунин узайтирилган гуруҳларида тарбияланаётган 2000 нафар ўқувчиларнинг оватланиши учун ҳар ойда ушбу ҳужжат билан 50.000 сўмдан акцияларни буғамўридан хурсанд бўлган ота-оналар.

БИР ЗУМ ҲАМ УНУТМАЙМИЗ

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши сир эмас. Қолаверса, она сутига қонган бола организми раҳит, гипотарфия, қизамиқ, қизилча, сувчечак сингари касалликлардан ҳимоялана олади.

Болалар шифокори бўлиш анчайин мураккаб. Чунки катталар қарларни оғриганини айтиш имкониятига эга. Болалар эса... Мен болалар врачига психолог бўлишларни керак деган фикрданман.

Турли тadbирларга қарамасдан, юқумли касалликлар билан оғриётган болалар сифи ҳали қамаймаётди. Бунга экологик вазиятнинг издан чиқиши билан бир қаторда ёш оналарнинг ўқувчиларини болалар шифокори билан бамааслахат иш кўрсатилари ҳам сабаб бўлмоқда.

Болалар шифокори бўлиш анчайин мураккаб. Чунки катталар қарларни оғриганини айтиш имкониятига эга. Болалар эса... Мен болалар врачига психолог бўлишларни керак деган фикрданман.

Итисодий қийинчиликлар сабаб, тиббиёт соҳасида ҳам маълум муаммолар келиб чиқмоқда. Шунинг қувончлики, ҳурматли Президентимизнинг келажакимиз, ворислари — болаларга кўрсатётган оталарча раҳм-раҳимликларини боис уларни давлат муассасаларида бу муаммо ўз вақтида бартараф этилмоқда. Шунинг мамнуният билан айтиш жоизки, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси маъмурияти саъй-ҳаракати билан касалхонаимизда бемор болаларнинг оналарини ҳам даволашни йўлга қўйганмиз.

Ф. ХИСОМИТДИНОВА, Тошкентдаги 4-болалар юқумли касалликлар шифоҳонасининг бош ҳакими.

АСОСИЙ ШАРТЛАРДАН БИРИ

Ўғилчам авваллари тез-тез шамолларди. Ҳаво сал ўзгарса дарров бурнидан сув оқар, яхши оват эмасди. Шунинг учун у билан астойдил шуғулланган: ҳар кунини аралаб бадантарбия қилдирдим. Қарат-секинсига катнади. Тўғри, дастлаб бироз қийинлиқ, машғулотларга тез чарчаб қоларди. 3-4 ой ўтгач, аста-секин ўзгара бошланди. Маишларни кунин билан бажарилган, иштаҳаси очилди, бийонидек оватланидиган бўлди. Қувончлиси, шамоллашга қарши ичкидан дори-дармонлар ишлашдан қутилди.

Кўриниб турибдики, спорт ёш авлоднинг жисмонан етук, баркамол бўлиб воғага етишини асосий шартдир. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни жуда эътибор билан спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор беришимиз зарур. Шундангина биз мустақил Ўзбекистонимизнинг келажиги борасида жон қуйдирган бўламиз.

Шавкат МИРЗАҚУЛОВ, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини кураш кафедраси ўқитувчиси.

Муштарий эътирози ОИЛАВИЙ БОҒЧАЛАР НЕГА ЁПИЛДИ?

Маълумки, 1990 йили Республика Вазирлар мажлиси ва Ўзбекистон Президентининг кўрсатмасига биноан халқ маорифи бўлимининг қарашли боғчаларини очила бошланди. Саросиё тумани халқ маорифи бўлими бошлиғи А. Қаршиев ҳамда 1-«Саодат» болалар боғчаси бошқармаси раҳбари З. Маҳмудовларнинг ташаббуси билан бизнинг туманда ҳам бешта оилавий боғчалар очилди, 36 нафар гўдақлар ана шу боғчаларга қатнаш бошладилар. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш туман халқ маорифи бўлимининг диққат-марказида бўлди.

Хукуматимизнинг бу ғам-хўрлигидан ота-оналар ниҳоятда хурсанд эдилар. Сабаби — дастлабки ўзбек миллий боғчасига асос солинган эди-да. Болалар узвунун боғча биносига эмас, балки хонадонларда тарбия топа бошладилар. Шу тарихда жабон ўғил-қизлар ҳар кунини ота-она, мого ва болалар билан мулоқотда бўлишга, уларнинг тарбиясида ҳам кескин иқтисодий ўзгаришлар содир бўлаётганини кичик таъсир билан исботлади. 4-5 йиллик жабонийлар халқимизнинг миллий одатларини ҳам оғилларга синдиришиб, ўрганиб бора бошлаган эди.

Афсуски, бу тадбирларимизнинг умри қисқа экан. 1992 йили Денон район молия бўлими раёнидаги 17 та оилавий болалар боғчалари учун сарфланаётган «ортиқча» сарф-ҳаражатлар ва иш ҳақларини қисқартириниш учун уларнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги илти-

ИРОДАНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

ДАВЛАТ ЛАШКАРЛАРУ ФУҚАРОЛАРИНИНГ САДОҚАТИ ВА ФИДОИЛИГИ. ЛА ҚУДРАТЛИДР. Амр ТЕМУР.



Турсунбой ГОЗИЕВ, подполковник: Эшлигимдан ҳарбий хизматга мехрим бор эди. Ҳозир ўз ихтисосим бўйича ҳарбий хизматчи бўлганимдан хурсандман. Ешларимиз жисмонан бақувват бўлиши давлатимизнинг қудратидан далолатдир.




Шавкат АБДУСАМADOV, прапоршиқ: Вилотлардан келаетган йигитларни ҳар томонлама тарбиялаб, ватан хизматига қодир аскарлар қилиб етиштирсак, мустақилликимиз шунча мустаҳкамланган бўлади.



Ботир ЯМИНОВ, оддий аскар: Ҳарбий хизматга келганимда турниқда бир марта ҳам тортилолмаган эдим. Ўртоқларимнинг ичидан роса изза бўлганим.



Талъат КУРАҚБОВ, лейтенант: Ҳарбий хизмат йигитларини сабот ва матонатли бўлишга ўргатади. Ҳар қандай шарафли ишнинг ортида ўзига ҳос заҳмат ҳам бўлиши табиий...



Хуршид ЖУРАЕВ, оддий аскар: Хизматга келганимга бир йил бўлди. Хизматим-



Рост ғап, қолганлар ҳам мендан ортиқ эмасди. Ҳозир 15 мартагача «тортиламан». Анча дадиллашиб қолдим.

Спорт 17 АПРЕЛЬ—ЎЗБЕКИСТОН ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАРИ КУНИ

Шу йилдан эътиборан Ўзбекистонда апрель ойининг ҳар учинчи шанбаси физкультурчилар кунини сифатда нишонланади. Республика Давлат физкультура ва спорт комитетининг ҳайъати шундай қарор қабул қилди.

17 апрель кунини пойтахтимиз кўчалари, хабсдонлари ва майдонлари енгил атлетикачиларнинг оммавий пойғаси майдонига айланади. Мусобақа қатнашчилари шаҳар

Маркази — мустақиллик майдонидан йўлга чиқадилар. Гагарин номидаги боғ хабсдонларидан, анҳорбўйдан ўтилиб, Тошкентнинг бош майдонига қайтиб келинади.

Шу йилдан бошлаб халқаро мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Республикаимиз тарма жамоасининг келажакдаги рақиблари кўп нарса билишмайди. Чунки, шу пайтгача бизнинг футбол Европада билан узвий боғланган эди. Эндиликда катта футболга фақат Осиё орақлиғина чиқилди. Шунинг учун футболчиларимизни Осиё футбол ҳаёти қизиқтириши табиий. Шу кунларда жаҳон чемпионатининг финал қисмига бериладиган иккита йўллана учун Осиё зонасига кирувчи 29 мамлакат тарма жамоалари 7 гуруҳга бўлиниб, саралаш учрашувларида қатнашапти. Доҳа шаҳрида бўлиб ўтётган «С» гуруҳи биринчилигида Каттар ва КХДР тарма жамоалари 4 очко билан пешқадамлик қилапти. Каттарлик Индонезия ва Вьетнам тарма жамоаларини йирик ҳисобда (3:1, 4:0) мағлуб эттиди. КХДР—Сингапур — 2:1. Биринчи дара учрашувлари 18 апрель кунини тугайди. Шундан сўнг гуруҳ вакиллари иккинчи дара учрашувларида қатнашиш учун Каттардан Сингапурга йўл оладилар. Учрашувлар 24 апрель-

ден 2 майгача давом этади. «Б» гуруҳида Япония тарма жамоаси икки учрашувда голиб чиқиб пешқадамлик қилапти. Улар иккинчи турда Бангладеш тарма жамоасини 8:0 ҳисобда енгитди. Осиё зонасига саралаш учрашувлари шу йил 31 октябргача давом этади.

Шу кунини мамлакатимизнинг барча вилот марказлари, шаҳар ва қишлоқларида оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

«МЕХНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» спорт мажмуасида Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчи қизлари Швейцариянинг «Шезо-Лозанна» жамоаси билан бўлган ўртоқли учрашувда ғалабага эришди. Энди қизларимиз жавоб ўйинини ўтказиш учун Швейцарияга борадилар. «Шезо-Лозанна» жамоасининг мураббийси Ярослав Вегнернинг фикрига кўра «Автомобилист»ни сафарда янги қаршилик кутати.

Польша шаҳарларида бўлиб ўтган швейцар хоккей бўйича ўсириллар ўртасида Европа чемпиолати эканлиги Чехия тарма жамоасини ахирги учрашувда 2:1 ҳисобда мағлубиятга учратган Швеция хоккейчилари Европада чемпиони бўлишди. Швейцарияликларнинг ғалабаси россияликларнинг кунуш медалини кўлга киритишига замин яратди. Сўнгги учрашувда мағлубиятга учраган Чехия хоккейчилари учинчи ўрин билан кифоляндилар.

Болалар бадний ижодиёти республика маркази жамоаси марназ директори Санобар Шодиева онасининг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙЎЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи», Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово», Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулҳамд РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово», Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВ, Сандаҳор ГУЛОМОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Тахририятга ҳақини 7 қозғодан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Манзилимиз: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Тахририятга ҳақини 7 қозғодан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.